



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI

210100, Navoiy sh., Islom Karimov sh.k 77 A, tel: (79)229-62-06, 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

8 yanvar 2026 yil.

02-12/172-son

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига

Навоий вилояти ҳокимлигида 2025 йил учун коррупцияга қарши курашиш
тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ

Муҳтарам Президентимиз 2025 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига қилган Мурожаатномаларида “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид” эканлигига такрор ва такрор тўхталиб, коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнат эканлиги, бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

2026 йил 1 январдан бошлаб, барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилиши белгиланиб, Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилиши, ушбу раҳбарлар тизимдаги нопок шахсларни аниқлаш, шунингдек, бюджет маблағи талон-торож бўлиши ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатади ва Президент олдида ҳисобот бериши ҳақида алоҳида айтиб ўтилди.

Комплаенс хизматининг фаолиятига тўсқинлик қилганлар – коррупцияга шерик, деб баҳоланиши ва жавобгарлик ҳам шунга мос ҳолда бўлиши Президентимиз томонидан айтиб ўтилди

Ҳаммамизга маълумки, коррупция ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун улкан таҳдид бўлиб, у жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради.

Мазкур иллат демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, ислохотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради.

Одамларнинг давлатга, бошқарув идораларига ишончини сўндиради, ислохотлар ғоясини обрўсизлантириб, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокига салбий таъсир кўрсатади.

Бугун жаҳон сиёсатчилари, олимлар ва умуман, башариятнинг эртанги тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон томонидан терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, геосиёсий тўқнашувлар, экологик муаммолар, моддий ва маънавий инқирозлар қаторида коррупция ҳам энг хатарли воқелик сифатида тилга олинмоқда.

Мамлакатимизда юз бераётган шиддатли ўзгаришларга, аҳолининг турмуш даражаси кескин ўсиб бораётганига ҳар биримиз бирдек гувоҳ бўлмоқдамиз.

Албатта, бу ислохотларнинг самараси барча соҳаларда қонун талабларига сўзсиз риоя этишга, коррупция ҳолат-ларининг олдини олишга бевосита боғлиқ.

Айниқса, ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича турли давлат дастурларига ажратилаётган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, унинг талон - торож қилинишига асло йўл қўймаслик зарур.

Вилоят ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПКҚ–5177-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 20 февраль куни 15-5-0-Q/23-сон қарори қабул қилиниб, 2023 йил 20 февралдан бошлаб вилоят ҳокимлигида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

2023 йил 08 февраль куни ўтказилган очиқ мустақил танлов якунига кўра, вилоят ҳокимининг 2023 йил 20 февраль куни 15-5-0-Q/23-сон қарори билан Хасанов Фирузжон Гуломович Навоий вилояти ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудир лавозимига тайинланган.

Навоий вилоятининг 11 та туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарор ва фармойишлари билан туман (шаҳар) ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат қилиш ишларини таъминлаш бўйича масъуллар белгилаб олинди.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат қилиш тизимининг жорий этилиши ҳокимлик тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ҳокимлик тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда коррупцияга қарши курашишга қаратилган Давлат дастурлари ва “Йўл харита”ларида белгиланган вазифа ва тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишига асосий эътибор қаратилган.

Вилоят ҳокимининг 30 ноябрь 2022 йилдаги “Вилоят туман, шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 235-5-0-Q/22-сонли қарори билан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида қўллаш учун:

1) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш Сиёсати
2) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услугибети;

3) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;

4) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти

5) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;

6) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услугибети;

7) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш Регламенти;

8) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент

9) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Юқоридаги 9 та коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатлар талаблари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари эътиборига етказилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг:

- июль 2024 йилдаги 188-5-0-Q/24-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори
- июнь 2024 йилдаги 170-5-0-Q/24-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори
- сентябрь 2021 йилдаги № 46-5-0-Q/21-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги тузулмасида коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори;
- октябрь 2022 йилдаги № 201-5-0-Q/22-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори
- ноябрь 2023 йилдаги № 165-5-0-F/23-сонли “Навоий вилояти ҳудудида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши
- ноябрь 2023 йилдаги № 249-5-0-Q/23-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини

янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ–200-сон Фармонининг ижроси ҳақида”ги Қарори

- декабрь 2023 йилдаги № 174-5-0-F/23-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш тўғрисида”ги Фармойиши чиқарилган.

2025 йил 12 ойи давомида жами 150 та (148) коррупция, иқтисод, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолияти тартибига қарши жиноятлар аниқланиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан барқарор сақланиб қолган.

Маълумот учун: 5 та (5) порахўрлик, 3 та (1) товламачилик,

77 та (94) фирибгарлик, 21 та (16) валюта қоидасини бузиш, 0 та (1) қалбаки пул яшаш ва ўтказиш, 7 та (7) ўзлаштириш, 37 та (24) бошқа.

Шундан: саноатда 10 (11) та, ёқилғи-энергетика 6 (1) та, банк, молия тизимида 1 (0) та, ижтимоий соҳаларда 16 (8) та, истеъмол бозори 0 (1) та, чет-эл фермалари ва қўшма корхоналар 1 (0) та, ўрта ва кичик бизнесда 22 (18) та, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида 3 (1) та, назорат идораларида 10 (12) та, ҳокимият идораларида 4 (2) та, бошқа соҳалардаги 77 (94) та жиноят жиноят.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 37 та (17) гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар фош этилиб, жиноят содир этган

186 нафар (173) шахс жиноий жавобгарликка тортилди, 8 нафари (5) қамоққа олинган холос.

Жиноят турларидан:

- товламачилик (1/3) жиноятларининг аниқланиши 200,0 фоизга;
- валюта қоидасини бузиш (16/21) жиноятлари 25 фоизга яхшиланган бўлсада,
- фирибгарлик (94/77) жиноятлари 18 фоизга,
- қалбаки пул яшаш ва ўтказиш (1/0) жиноятлари 100,0 фоизга

кам аниқланган.

Жиноятлар натижасида етказилган 1 млрд 878 млн 900 минг сўмлик зарарнинг 717 млн сўми (38,1 фоизи) ундирилиб, қолган 1 млрд 161 млн 900 минг сўми (61,9%) ундирилмасдан қолмоқда.

2025 йил 12 ойи давомида жами 77 та (94) фирибгарлик жиноятлари аниқланган.

Бу коррупция соҳасида аниқланган жами (150) жиноятларнинг

51,5 фоизи, яъни ярмидан кўпи дегани.

Фирибгарлик эса мансабдор шахслар ваколати доирасига кирмайдиган кам аҳамиятли жиноят ҳисобланади.

Бундай салбий ҳолатлар давлат идораларининг мансабдор шахслари билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда сусткашликка йўл қўйилаётганлигини, улар орасида етарлича манбалар йўқлигини, тезкор ходимларимиз, асосан, аризачи фуқароларнинг маълумотлари бўйича тезкор тадбир ўтказиб, шу билан кун кечириётганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2025 йил 12 ойи давомида ер ресурслари

талон-торож қилиниши билан боғлиқ жами 46 та жиноий ҳолат аниқланган.

Маълумот учун: 50 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган,

1 млрд 121 млн 299 минг сўмлик зарар аниқланиб, ҳозирги кунга қадар умуман аниқланган зарар ундирилмаган.

Ҳокимият вакиллари томонидан ер ресурсларини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар 7 та аниқланган холос.

Ноқонуний муомаладан олинган ерлар 59,056 гектар бўлиб, шундан 3,717 гектари ҳокимият захирасидаги, 5,145 гектари экин ва 50,195 гектар бошқа ер майдонларини ташкил этган.

Вилоятда коррупцион жиноятларни олдини олиш бўйича умумий профилактик ишлар билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишлари ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Эришилган ижобий натижалар билан бирга, жойлардаги айрим ички ишлар органлари томонидан етарли даражада тезкор-қидирув ва профилактик ишлар олиб борилмаётганлиги, шунингдек вилоят ИИБ томонидан юборилган кўрсатма ҳамда топшириқларнинг ижроси тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтишимиз керакки, Навоий вилояти ҳокимлигида коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган бир қатор алоқа каналлари мавжуд бўлиб, жумладан facebook, телеграм мессенжериди, ҳокимликнинг расмий веб-сайтида алоҳида бўлим, инстаграм саҳифасида ва youtube саҳифасида алоқа каналлари мавжуд.

Ташкил этилган алоқа каналларига вилоятда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбирлар, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган материаллар, тарғибот тадбирлари ва шу каби бошқа маълумотлар жойлаштириб борилмоқда.

Шунингдек вилоят ҳокимлигида коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган назорат шўъбасининг 79-229-62-53, 78-770-31-11 ва қисқа 1066 рақамли “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” доимий фаолият олиб бормоқда.

Навоий вилоятининг 11 та туман (шаҳар) ҳокимликлари биносининг кириш қисмига яъни фуқароларнинг кўриши учун қулай бўлган жойга коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўбаси ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИни тарғиб қилишган мўлжалланган маълумотлар ҳам жойлаштирилган.

2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгаш йиғилишида “Навоий тажрибаси”ни яратиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланди. Бу ташаббус маиший коррупциянинг илдизига — жамоатчилик фикри, аҳолининг ҳуқуқий онги ва фуқаролик позициясига таянган ҳолда курашишни назарда тутди.

Бугунги кунда вилоятимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик кенгашлари, таълим муассасалари, маҳаллий давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли 20 дан ортиқ йўналишда ижтимоий сўровлар, 1000 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ва 4 та йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ёш мутахассисларда “ҳалоллик вакцинаси”ни шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш ишлари бунга яққол мисолдир.

Маиший коррупцияни олдини олишда “Навоий тажрибаси”ни яратиш борасида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

борасида ҳам фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, 2025 йил 6-17 октябрь кунлари Польша Республикаси Варшава шаҳрида, 20-25 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган V-Халқаро аксилкоррупция Форуми доирасида ҳам айнан “Навоий тажрибаси”ни ривожлантириш борасида Финляндия, Эстония, Латвия, Грузия, Жанубий Корея ва бошқа қатор илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш бўйича вилоятдаги нодавлат ташкилотлар томонидан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда кўмаклашган шахслар белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилиши жорий этилган

Ушбу орқали Сизга вилоят ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши юзасидан маълумот тақдим этилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Сулаймонов